Таҳлил қилинаётган белгилар белгилар ичига киритилган ғоялар ва тушунчалар ўхшашлигига эга, яъни семантик ўхшаш бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек «STOLI» товар белгиси ва «STOLNAYA» сўзли элементининг фонетик таҳлили тақдим этилган.

«STOLI» ва «STOLNAYA» сўзлари белгини ташкил қилувчи яқин товушларга эга. Белгиларда мос тушувчи товушларнинг жойлари ҳам мос тушади. Ҳар иккала белги бир хил «STOL» бошланғич қисмига эга. Унли ва ундош товушларнинг таркиби яқинлиги, белгиларнинг мос тушадиган қисмлари таркибининг бир хиллиги мавжуд ҳамда бир белгининг иккинчисига кириб кетиши яққол кўриниб турибди. Биринчи ва иккинчи сўзда урғу биринчи бўғинга тўғри келади.

Юқорида баён қилинганларни инобатга олган ҳолда апелляция берган шахс № 803678 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди.

Апелляцияга илова сифатида ЎзР ФА Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институтининг филология соҳасидаги мутахассисларининг фикри тақдим этилган.

Берилган апелляция билан белгиланган тартибда таништирилган «СТОЛЬНАЯ» комбинацияланган товар белгисининг эгаси эътироз сабаблари бўйича ўз такризини тақдим этди.

«СТОЛЬНАЯ» товар белгисига «STOLI» халқаро рўйхатдан ўтказилганлигини қарама-қарши қўйилиши нотўғри ҳисобланади. Белгилар графика, фонетика жиҳатидан турлича ҳисобланади. «Стольная» - табиий тилдан олинган сўз ва семантик аҳамиятга эга. «STOLI» - келиб чиқиши сунъий бўлган сўз бўлиб, маъно мазмунига эга эмас.

Шунингдек, апелляция матнида баҳслашилаётган белги турлича: лотинчада - «STOLNAYA», кирилчада - «СТОЛЬНАЯ» белгиланиши қайд этилган ва «терминология бирлиги»га амал қилиш, яъни белгини у қандай рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундай деб аташ тўғрисидаги илтимос баён қилинган.

Сўнгра «STOLICHNAYA» ва «СТОЛЬНАЯ» товар белгиларининг визуал, семантик ва фонетик таҳлили тақдим этилган.

№ 803678 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги бўйича уч ўлчамли белги ўзи билан шакл, дизайн ва сўзли қисмнинг бирлиги намунасини ифодалайди. Тўрт киррали бутилка (штоф) оригинал кўринишда бажарилган бўлиб, архитектура объектига мос ҳолда қадимий ҳунармандчилик обидалари учун хос бўлган декор элементлари билан услубий безалган. Шу муносабат билан табиий тилдаги «стольная» эскирган сўзини вербал элемент сифатида қўлланилиши жуда ҳам муваффақиятли бўлиб ҳисобланади.

Шрифтнинг танланиши шунингдек белгининг умумий концепциясига бўйсундирилган – қадимги рус ёзувига ўхшатиб ишланган.

Таҳлил қилинаётган белгилар турли алифбо: кирилча ва лотинча ҳарфлар билан бажарилган бўлиб, бунда «СТОЛЬНАЯ» сўзи «STOLICHNAYA» сўзидан анча қисқарок.

Семантик таҳлил доир қуйидагилар қайд этилди.

«Стольный» сўзига фақат «столичный» сифатида изоҳ бериш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Словарь русского языка (С.И. Ожегов, Москва, «Русский язык», 1991 г.) га мувофиқ:

Стольный - см. стол² (қаралсин стол²)

Стол² – В Древней Руси: престол, княжение // *прил.* стольный, -ая, -ое. (столица *стар.*) (Қадимги Русда: престол, княжение // *сиф.* стольный, -ая, -ое. (столица - пойтахт *қадим.*))

Престол – 1. То же, что трон (тахтни билдиради)

Трон – Кресло - место монарха во время торжественных церемоний; употр. также как символ монархической власти (Тахт – Курси – тантанавий маросимлар вақтида монархнинг жойи; шунингдек монархлик ҳокимиятининг тимсоли сифатида ҳам ишлатилади)

Княжить (*стар.*) Править княжеством (в 1 значении) *сущ.* Княжение (Князлик қилмоқ (*қадим.*) Князлик қилиб ҳукмронлик қилмоқ (1 маънода) *от* князлик)

Княжество 1. Феодалное государство во главе с князем (Князлик 1. Князь бошчилигидаги феодал давлат)

«Стольный» сўзини «столичный» мазмунида ишлатиш ягона ҳол эмас. «Стольный» сўзини «престольный», яъни тахтга, монарх ҳокимиятига ёки давлатни бошқаришга алоқадор мазмунида ҳам ишлатиш мумкин, чунки «престол», «трон» (тахт) – монархлик ҳокимиятининг тимсоли ҳисобланади. «Стольный» сифати барча санаб ўтилган мазмунда столга, тахтга тааллуқли бўлган предметнинг белгисини билдириши мумкин.

«Столица» сўзи қуйидаги мазмунга эга: столица (пойтахт) – бош шаҳар, давлатнинг маъмурий-сиёсий маркази. Демак, «столичный» – пойтахтга алоқадор, пойтахтга хос, пойтахтдаги каби мазмунини беради.

«Столичный» сўзи лексиканинг фаол таркибига тааллуқли бўлиб, жонли ҳисобланади, янги семантик жуфтликларни ҳосил қилади, янги мазмунлар билан бойида. «Столичный», «столичная» сифати тенг тарзда кўп миқдордаги отлар билан қулай ҳолда бирга келади.

«Стольный» сўзи эскирган, яъни фаол истеъмолдан чиқиб кетган сўз бўлиб ҳисобланади. Замоनावий тилда бундай сўзлар деярли учрамайди. Кўрсатиб ўтилган гуруҳдаги сўзлар, агар улар замонавий матнларда маълум бир стилистик мақсадларда қўлланилса, тарихий сўзлар деб аталади.

Шундай қилиб, замонавий «столичный» сўзи стилистик жиҳатдан нейтрал бўлиб ҳисобланади, эскирган «стольный» сўзи эса эмоционал-стилистик рангга эга, бу уч ўлчамли товар белгисини, айнан эса қадимий архитектура объекти остида услубий ишланган бутилканинг дизайнини яратишда муваффақиятли фойдаланилган.

Замонавий рус тилида «стольный» сўзи архаик сўз сифатида фақат «стольный город» барқарор сўз бирикмаси чегарасида ишлатилади, «столичный», «столичная» сўзи эса турли сўзлар билан бирга ишлатилиши мумкин.

«Стольный» сифатини женский родда ишлатилиши ноодатий ҳисобланади, чунки ушбу ҳолатда «стольный город» барқарор сўз бирикмасидан ташқарида ишлатилади, яъни «столичная» «стольный город»нинг айнан ўзи эмас.

Белгиларда бўғинларнинг сони турлича, биринчи бўғинлар фарқланади, ундош ва унли ҳарфларнинг таркиби бир хил эмас. Бундан ташқари, сўзлар ҳар хил ургули бўғинларга эга, шу муносабат билан унлиларнинг редукцияси, яъни [o] унлисининг урғусиз ҳолатида ўзгариши (кучсизланиши) кузатилади, ушбу унли аниқ бўлмаган ҳолда, [a] – [сталичная] сифатида талаффуз қилинади.

Бошланғич қисмларнинг мос тушиши кузатилмайди, бундан ташқари, ўрта қисмларда «-ль-» «-лич-» катта фарқлар мавжуд. Ушбу омиллар умуман олганда белгиларнинг фонетик жиҳатдан ўхшаш эмаслигини намоён қилади.

Юқорида баён қилинганлар асосида баҳслашилаётган товар белгисининг эгаси апелляцияни қаноатлантиришни рад этишни ва «СТОЛЬНАЯ» товар белгисини № 803678 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлигининг амал қилишини ўз кучида қолдирилишини сўрайди.

Тақризга илова сифатида қуйидагилар:

- Латвия, Литва суд идораларининг «СТОЛЬНАЯ» товар белгисига нисбатан чиқарган қарорлари;

- реклама материаллари;

- «Stolichnaya» элементини ичига олган брендлар билан интернет-шарҳи тақдим этилган.

Апелляция иши материалларини ўрганган ҳолда ва апелляцияни кўриб чиқишда иштирок этган шахсларни тинглаган ҳолда Апелляция кенгаши апелляция берган шахснинг келтирган далилларини ишонarli эмас деб топади.

Талабнома берилган белгининг муҳофазага лаёқатлилигини баҳолаш учун ҳуқуқий база 30.08.2001 й. даги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва «Товар белгисини ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва

кўриб чиқиши қоидалари»ни (01.11.2002 й. да №1184 рақам билан рўйхатга олинган) (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) ичига олади.

Қонуннинг 10-моддаси 13-бандига ва Қоидаларнинг 4-банди н) кичик бандига мувофиқ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиши сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгари-роқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Қоидаларнинг 104-бандига мувофиқ белги барча элементларда бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади.

Агар белги бошқа белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамадан бошқа белги билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Қоидаларнинг 113-бандига мувофиқ жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун жамлама белгилар билан ва текшириляётган жамлама белги таркибига унинг элементлари сифатида кирадиган белгилар турлари билан билан таққосланади. Бунда айнан ўхшаш ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги эгаллаган ҳолатининг аҳамияти текширилади.

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ сўзли белгилар ўхшашлиги товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) бўлиши мумкин ва Қоидаларнинг 107-109-бандларида баён қилинган аломатлар (белгилар)нинг мос тушиши асосида аниқланади.

Қоидаларнинг 110-бандига мувофиқ Қоидаларнинг 107-109-бандларида санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирликларда ҳисобга олиниши мумкин.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ товарларнинг бир хил жинслилигини белгилашда истемолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиш эҳтимоли аниқланади. Бунда товарларнинг тури, вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларни сотиш шароитлари, истемолчилар доираси ва бошқа аломатлар эътиборга олинади.

Талабнома берилган белгини ва қарама-қарши қўйилган товар белгисининг қиёсий таҳлили куйидагиларни кўрсатди.

Баҳслашиляётган товар белгиси ўзи билан юқори қисмида нақши бўлган бутилканинг (штофнинг) ҳажмий тасвирдан ва эски рус алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган ва этикетканинг марказида жойлаштирилган «СТОЛЬНАЯ» сўзли элементидан ташкил топган комбинацияланган белгини ифодаляйди.

№ 735580 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги бўйича қарама-қарши қўйилган товар белгиси ўзи билан стандарт шрифтда лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган «STOLICHNAYA» сўзли белгисини ифодаляйди.

№ 739600 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлиги бўйича қарама-қарши қўйилган товар белгиси ўзи билан стандарт шрифтда лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган «STOLI» сўзли белгисини ифодаляйди.

Кўриб чиқилаётган белгиларнинг фонетик жиҳатдан ўхшашлик бўйича таҳлили куйидагиларни кўрсатди.

«СТОЛЬНАЯ»– 8 та ҳарф, 7 та товуш, 3 та бўғиндан иборат, урғу биринчи бўғинга тушади;

«STOLICHNAYA» (транслитерация – столичная) - 9 та ҳарф, 9 та товуш, 4 та бўғиндан иборат, урғу иккинчи бўғинга тушади;

«STOLI» (транслитерация – столи) – 5 та ҳарф, 5 та товуш, 2 та бўғиндан иборат, урғу биринчи бўғинга тушади.

Таҳлил қилинаётган сўзли элементлар ҳар хил узунликка эга, турли микдордаги ҳарфлар ва бўғинлардан, ҳамда тегишинча товушлар ва товушлар бирикмасидан иборат.

Бундан ташқари, «СТОЛЬНАЯ» сўзидаги «ь» ҳарфининг ва «STOLICHNAYA» сўзидаги «ч» товушининг мавжудлиги сўзларни товушли қисмларга ажратишни (СТОЛЬ-НАЯ, STOLICH-NAYA) ҳосил қилади, бу эса сўзларга бир-биридан фарқладиган ўзига хос жаранглашни беради.

«СТОЛЬНАЯ» сўзининг «СТОЛ-» бошланғич қисми ва «STOLI» сўзининг «STOL-» бошланғич қисми жаранглашининг ўхшашлиги бир белгининг иккинчисига кириб кетиши ва уларни умуман олганда фонетик жиҳатдан ўхшаш деб этироф этиш сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтилганлар таққосланаётган белгиларнинг товушли ўхшашлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида хулосани келтириб чиқаради.

Баҳлашилаётган белгининг ва қарама-қарши қўйилган товар белгиларининг Қоидаларнинг 108-бандида баён қилинган белгиларга асосланиб ўтказилган график тахлили шуни кўрсатадики, белгилар турлича тасвирий таассуротни ҳосил қилади ва таққосланаётган белгиларнинг график ўхшашлиги мавжуд эмаслиги ҳақида гувоҳлик беради.

Солиштирилаётган белгиларнинг семантик жиҳатдан ўхшашлигига нисбатан қуйидагиларни қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳамма топиши мумкин бўлган луғат-маълумотнома нашрларининг тахлили шуни кўрсатадики, «стольный» сўзи Қадимги Русда престол (тахт), княжение (князлик қилиш)ни билдирган «стол» отидан ясалган сифат бўлиб ҳисобланади. «Стольный» сўзи «град» сўзи билан биргаликда «столица» (пойтахт) тушунчасининг эскирган белгиси бўлиб ҳисобланади. «Столичный» сўзи давлатнинг бош шаҳрини, ҳукумат ва ҳукумат идоралари жойлашган ерни билдирадиган «столица» отидан ясалган сифат бўлиб ҳисобланади. «Столи» сўзи тўқима сўз бўлиб, шу муносабат билан баҳслашилаётган белги билан семантик омил бўйича таққослаш имконияти мавжуд эмас.

Апелляция берган шахс томонида тақдим этилган ЎЗР ФА Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институти мутахассисларининг фикрига кўра шу нарса келиб чиқадики, «...*столичный ва стольный – бу битта ўзакли турдош сўзлар бўлиб, жонли семантик боғлиқликка эга, уларнинг сўз ҳосил қилувчи парадигмаси, яъни айнан битта ясовчи асосга эга бўлган ясалган сўзлар тўплами турли сўз ясаш босқичларида жойлашган.*

Ясовчи ва ясалувчи сўзлар орасидаги семантик парчаланиш ва баъзи бир маъно жиҳатдан боғлиқликнинг йўқолиши омонимияни ҳосил бўлишига олиб келган. Бунда иккала сўз ҳам бир хил лексик моҳиятда қўлланилиши билан бирга, турли лексик уяларни ҳам ҳосил қилиши мумкин...

Сўз ясалиши турларининг рақобати семантик парчаланишини ва вариантлардан бирини танлашини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ишлатиладиган сўз ясовчи воситаларнинг турли-туманлиги синонимик қаторларни шакллантиришни келтириб чиқарди, бунда ўхшаш ясалувчиларнинг мавжудлиги инсон ҳаёти учун энг кўп аҳамиятли бўлган соҳада қайд этилади. XV-XVI асрларда давлатчиликни шакллантириш борганлиги сабабли «столица» (пойтахт) мазмунидаги «престол» ва «стол» сўзлари «столица» сўзига ўз жойини бўшатиб берди ва ундан кейинчалик «столичный» сўзи ясалган».

Шундай қилиб, «СТОЛЬНАЯ» ва «STOLICHNAYA» сўзлари уларга қўйилган пойтахт шаҳарига тааллуқли тушунчаларнинг семантик жиҳатдан ўхшашликка эга эканлигига қарамай, уларни адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб аташ мумкин эмас, чунки «стольная» эскирган сўз бўлиб ҳисобланади ва тарихий аҳамиятга алоқадор тарзда ишлатилади, айни вақтда «столичная» сўзи кундалик, одатдаги мазмунни аҳамият касб этади.

Юқорида баён қилинган қиёсий таҳлил баҳслашилаётган ва қарама-қарши қўйилаётган товар белгиларининг адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги мавжуд эмаслигини келтириб чиқаради.

Апелляция берган шахс ҳавола қилган, 2002 йилда кўриб чиқилган апелляцияга ҳамда бошқа давлатлар суд идораларининг қарорларига, ва баҳслашилаётган белгининг эгаси томонидан тақдим этилган бошқа материалларга доир шуни қайд этиб ўтиш зарурки, улар ушбу апелляцияни кўриб чиқишга тааллуқли бўлмаган материаллар сифатида эътиборга олинмади.

Юқорида баён қилинганлар асосида Апелляция кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «СТОЛЬНАЯ» комбинацияланган товар белгисини № 803678 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлигининг амал қилишига қарши «Spirits Product International Intellectual Property B.V.» (AW) фирмасининг апелляциясини қаноатлантириш рад этилсин.

2. «СТОЛЬНАЯ» комбинацияланган товар белгисини № 803678 рақамли халқаро рўйхатдан ўтказилганлигининг амал қилиши ўз кучида қолдирилсин.

**Решение Апелляционного совета от 26.12.2006 г.,
принятое по результатам рассмотрения апелляции, поданной от имени фирмы
«Spirits Product International Intellectual Property B.V.» (AW), о признании
недействительной международной регистрации № 803678
комбинированного товарного знака «СТОЛЬНАЯ»**

Международной регистрации № 803678 комбинированного товарного знака с приоритетом от 30.04.2003 г. предоставлена правовая охрана на территории Республики Узбекистан на имя ЗАО «Группа предприятий ОСТ» (RU) в отношении товаров 33 класса МКТУ, указанных в перечне регистрации.

Лицо, подавшее апелляцию, возражает против действия международной регистрации № 803678, которой, по его мнению, предоставлена правовая охрана в нарушение норм пункта 13 статьи 10 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров».

Международная регистрация № 803678 представляет собой трехмерный товарный знак в виде бутылки оригинальной формы, на которой расположена этикетка с надписью «СТОЛЬНАЯ». Доминирующим элементом обозначения является словесная часть - «СТОЛЬНАЯ», выполненная заглавными буквами русского алфавита.

Словесный элемент «STOLNAYA» сходен до степени смешения с товарными знаками «СТОЛИЧНАЯ» (международная регистрация № 735580) и «STOLI» (международная регистрация № 739600) в отношении однородных товаров 33 класса МКТУ.

В тексте апелляции приведены фонетический и семантический анализы товарных знаков «СТОЛИЧНАЯ» (транслитерация – СТОЛИЧНАЯ) и словесного элемента «СТОЛЬНАЯ».

Слова «СТОЛИЧНАЯ» и «СТОЛЬНАЯ» содержат: 7 совпадающих звуков, которые по своему расположению совпадают, близкие звуки, составляющие обозначения, одинаковую начальную часть «СТОЛ» и окончание «НАЯ». Присутствует близость состава гласных и согласных звуков, а также идентичность состава совпадающих частей обозначений.

В соответствии с источником информации «В. Даль. Толковый словарь живого русского языка. Т. 4. М.:ТЕРРА, 1995. С. 328-329»: «Столица, стольный, престольный город, главный, первый в государстве, где пребывает высшее правительство, государь».

В соответствии с источниками информации «Толковый словарь русского языка. Под редакцией Д.Н. Ушакова. Т. 4. М.: Русский язык, 1984. С. 628»; «С. И. Ожегов. Словарь русского языка. М. Русский язык, 1988. С. 628» слово «стольный, -ая, -ое» означает «столичный».

В соответствии с мнением специалистов-филологов Института языка и литературы им. А. Навои АН РУз слова «..столичный и стольный – однокоренные родственные слова, имеющие живые семантические связи.....Семантическое расщепление и некоторая утрата смысловых связей между производящим и производным словами привела к образованию омонимии. При этом оба слова употребляются в одинаковых лексических значениях, хотя и могут образовывать разные лексические гнезда».

Анализируемые обозначения обладают подобием заложенных в обозначениях идей и понятий, то есть являются семантически схожими.

Также представлен фонетический анализ товарного знака «STOLI» и словесного элемента «STOLNAYA».

Слова «STOLI» и «STOLNAYA» имеют близкие звуки, составляющие обозначения. Места совпадающих звуков в обозначениях также совпадают. Оба обозначения имеют одинаковую начальную часть «STOL». Присутствует близость состава гласных и согласных звуков, идентичность состава совпадающих частей обозначений, а также налицо вхождение одного обозначения в другое. Ударение в первом и во втором словах падает на первый слог.

Учитывая вышеизложенное, лицо, подавшее апелляцию, просит признать международную регистрацию №803678 недействительной.

В качестве приложения к апелляции представлено мнение специалистов-филологов Института языка и литературы им. А. Навои АН РУз.

Владелец комбинированного товарного знака «СТОЛЬНАЯ», ознакомленный в установленном порядке с поданной апелляцией, представил отзыв по мотивам возражения.

Противопоставление товарному знаку «СТОЛЬНАЯ» международной регистрации «STOLI» является некорректным. Знаки разные в плане графики, фонетики. «Стольная» – слово естественного языка и семантически значимо. «STOLI» – слово искусственного происхождения и смысловой нагрузки не несет.

Также отмечено, что в тексте апелляции оспариваемый знак обозначается по-разному: в латинице - «STOLNAYA», в кириллице – «СТОЛЬНАЯ», и выражена просьба придерживаться «единства терминологии», называть знак так, как он в действительности зарегистрирован.

Далее представлены визуальный, семантический и фонетический анализы товарных знаков «STOLICHNAYA» и «СТОЛЬНАЯ».

Трехмерный знак по международной регистрации № 803678 представляет собой образец единства формы, дизайна и словесной части. Четырехгранная бутылка (штоф) выполнена в оригинальном виде, стилизована под архитектурный объект с элементами декора, характерными для памятников старинного зодчества. В связи с этим очень удачным является использование в качестве вербального элемента слова естественного языка «стольная», являющегося устаревшим.

Выбор шрифта также подчинен общей концепции знака - стилизован под древнерусское письмо.

Анализируемые знаки выполнены буквами разных алфавитов: в кириллице и латинице. При этом слово «СТОЛЬНАЯ» значительно короче слова «STOLICHNAYA».

В отношении семантического анализа отмечено следующее.

Толкование слова «стольный» только как «столичный» не в полной мере соответствует действительности.

Словарь русского языка (С.И. Ожегов, Москва, «Русский язык», 1991 г.):

Стольный - см. стол ².

Стол ² – В Древней Руси: престол, княжение // *прил.* стольный, -ая, -ое. (столица *стар.*).

Престол – 1. То же, что трон.

Трон – Кресло – место монарха во время торжественных церемоний; употр. также как символ монархической власти.

Княжить (*стар.*) - Править княжеством (в 1 значении) *суц.* Княжение.

Княжество 1. Феодалное государство во главе с князем.

Употребление слова «стольный» в значении «столичный» не единственное. Возможно употребление слова «стольный» в значении «престольный», т.е. имеющий отношение к трону, власти монарха или управлению государством, поскольку «престол», «трон» – символ монархической власти. Прилагательное «стольный» может обозначать признак предмета, имеющего отношение к столу, престолу во всех вышеперечисленных значениях.

Слово «столица» имеет значение: столица – главный город, административно-политический центр в государстве. Следовательно, «столичный» – имеющий отношение к столице, свойственный столице, такой, как в столице.

Слово «столичный» относится к активному составу лексики, является живым, образует новые семантические пары, обрастает новыми значениями. Прилагательное «столичный», «столичная» равно удачно сочетается с большим количеством существительных.

Слово «стольный» является устаревшим, т.е. вышедшим из активного употребления. В современном языке такие слова, как правило, не встречаются. Слова указанной группы называются историзмами, если они используются в современных текстах с определенными стилистическими целями.

Таким образом, современное слово «столичный» является стилистически нейтральным, а устаревшее «стольный» обладает эмоционально-стилистической окраской, что удачно обыграно при создании дизайна трехмерного товарного знака, а именно бутылки, стилизованной под древний архитектурный объект.

В современном русском языке слово «стольный» употребляется в качестве архаизма исключительно в пределах устойчивого словосочетания «стольный город», а слово «столичный», «столичная» может сочетаться с разными словами.

Использование прилагательного «стольный» в женском роде является необычным, поскольку в данном случае используется вне устойчивого словосочетания «стольный город», т.е. «стольная» не то же самое, что «стольный город».

Число слогов в обозначениях разное, первые слоги отличаются, состав согласных и гласных звуков не идентичен. Кроме того, слова имеют разные ударные слоги, в связи с этим наблюдается редукция гласных, т.е. изменение (ослабление) гласного [o] в безударном положении, он произносится нечетко, как [a] — [сталичная].

Не наблюдается совпадения начальных частей, кроме того, имеются большие отличия в срединных частях «-ль-» «-лич-». Эти факторы демонстрируют несходство обозначений в целом в плане фонетики.

На основании изложенного владелец оспариваемого товарного знака просит отказать в удовлетворении апелляции и оставить в силе действие международной регистрации № 803678 товарного знака «СТОЛЬНАЯ».

В качестве приложения к отзыву представлены:

- решения судебных органов Латвии, Литвы в отношении товарных знаков «СТОЛЬНАЯ»;
- рекламные материалы;
- интернет-обзор с брендами, включающий элемент «Stolichnaya».

Изучив материалы дела и заслушав участников рассмотрения апелляции, Апелляционный совет находит доводы лица, подавшего апелляцию, неубедительными.

Правовая база для оценки охраноспособности заявленного обозначения включает Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» от 30.08.2001 г. (далее – Закон) и «Правила составления, подачи и рассмотрения заявки на регистрацию товарного знака и знака обслуживания» (рег. № 1184 от 01.11.2002 г.) (далее – Правила).

В соответствии с пунктом 13 статьи 10 Закона и подпунктом н) пункта 4 Правил не регистрируются в качестве товарных знаков обозначения, тождественные или сходные до степени смешения, в частности, с товарными знаками, ранее зарегистрированными или заявленными на регистрацию в Республике Узбекистан на имя другого лица, а также охраняемыми в силу международных договоров Республики Узбекистан или обладающими более ранним приоритетом в отношении однородных товаров.

В соответствии с пунктом 104 Правил обозначение считается тождественным с другим обозначением, если оно совпадает с ним во всех элементах.

Обозначение считается сходным до степени смешения с другим обозначением, если оно ассоциируется с ним в целом, несмотря на их отдельные отличия.

В соответствии с пунктом 113 Правил, комбинированные обозначения сравнивают с комбинированными обозначениями и с теми видами обозначений, которые входят в состав проверяемого комбинированного обозначения как элементы. При этом исследуется значимость положения, занимаемого тождественным или сходным элементом в заявленном обозначении.

В соответствии с пунктом 106 Правил сходство словесных обозначений может быть звуковым (фонетическим), графическим (визуальным) и смысловым (семантическим) и определяется на основе совпадения признаков, изложенных в пунктах 107-109 Правил.

Согласно пункту 110 Правил признаки, перечисленные в пунктах 107-109 Правил, могут учитываться как каждый в отдельности, так и в различных сочетаниях.

В соответствии с пунктом 114 Правил при установлении однородности товаров определяется возможность возникновения у потребителя представления о принадлежности этих товаров одному производителю. При этом принимается во внимание род (вид) товаров, их назначение, вид материала, из которого они изготовлены, условия сбыта товаров, круг потребителей и другие признаки.

Сравнительный анализ заявленного обозначения и противопоставленного товарного знака показал следующее.

Оспариваемый товарный знак представляет собой комбинированное обозначение, состоящее из объемного изображения бутылки (штофа) с орнаментом в верхней части и словесного элемента «СТОЛЬНАЯ», выполненного заглавными буквами старорусского алфавита и размещенного в центре этикетки.

Противопоставленный товарный знак по международной регистрации № 735580 представляет собой словесное обозначение «STOLICHNAYA», выполненное заглавными буквами латинского алфавита стандартным шрифтом.

Противопоставленный товарный знак по международной регистрации № 739600 представляет собой словесное обозначение «STOLI», выполненное заглавными буквами латинского алфавита стандартным шрифтом.

Анализ по фонетическому фактору сходства рассматриваемых обозначений показал следующее.

«СТОЛЬНАЯ» - 8 букв, 7 звуков, 3 слога, ударение падает на первый слог;

«STOLICHNAYA» (транслитерация – столичная) – 9 букв, 9 звуков, 4 слога, ударение падает на второй слог.

«STOLI» (транслитерация – столи) – 5 букв, 5 звуков, 2 слога, ударение падает на первый слог.

Анализируемые словесные элементы имеют различную длину, состоят из различного количества букв и слогов и соответственно звуков и звукосочетаний.

Кроме того, наличие буквы «ь» в слове «СТОЛЬНАЯ» и звука «ч» в слове «STOLICHNAYA» создает звуковое разделение слов на части (СТОЛЬ-НАЯ, STOLICH-NAYA), что придает словам характерное звучание, отличное друг от друга.

Сходство звучания начальной части слова «СТОЛЬНАЯ» «СТОЛ-» и начальной части слова «STOLI» «STOL-» не может рассматриваться как вхождение одного обозначения в другое и признания их фонетически сходными в целом.

Сказанное обуславливает вывод об отсутствии звукового сходства сравниваемых обозначений.

Графический анализ оспариваемого обозначения и противопоставленных товарных знаков, проведенный на основании признаков, изложенных в п. 108 Правил, показал, что обозначения производят различное зрительное впечатление, что свидетельствует об отсутствии графического сходства сравниваемых обозначений.

В отношении семантического анализа сравниваемых обозначений необходимо отметить следующее.

Анализ общедоступных словарно-справочных изданий показал, что слово «стольный» является прилагательным от имени существительного «стол», что в Древней Руси означало: престол, княжение. «Сольный» в сочетании со словом «град» является устаревшим обозначением понятия «столица». Слово «столичный» является прилагательным от имени существительного «столица», что означает главный город государства, местопребывание правительства и правительственных учреждений. Слово «столи» является фантазийным, в связи с чем отсутствует возможность сопоставления с оспариваемым обозначением по семантическому фактору.

Из мнения специалистов Института языка и литературы им. А. Навои АН РУз, представленного лицом, подавшим апелляцию, следует, что *«...столичный и стольный – это однокоренные родственные слова, имеющие живые семантические связи, а их словообразовательная парадигма, т.е. набор производных, имеющих одну и ту же производящую основу, находится на разных ступенях словообразования».*

Семантическое расщепление и некоторая утрата смысловых связей между производящим и производным словами привела к образованию омонимии. При этом оба слова употребляются в одинаковых лексических значениях, хотя и могут образовывать разные лексические гнезда....

Основным фактором, определившим семантический распад и выбор одного из вариантов, является конкуренция словообразовательных типов. Разнообразие используемых словообразовательных средств обусловило формирование синонимичных рядов, причем наличие тождественных производных отмечается в наиболее значимой для жизни человека сфере. А поскольку в XV-XVI вв. шло формирование государственности, слова «престол» и «стол» в значении «столица» уступили свое место слову «столица», от которого впоследствии и было образовано столичный».

Таким образом, несмотря на тот факт, что слова «СТОЛЬНАЯ» и «STOLICHNAYA» имеют семантическое подобие заложенных в них понятий, имеющих отношение к столичному городу, их нельзя назвать сходными до степени смешения, поскольку «стольная» является устаревшим словом и чаще употребляется с оттенком на историческую значимость, в то время как слово «столичная» приобрело оттенок повседневности, обыденности.

Вышеизложенный сопоставительный анализ обуславливает вывод об отсутствии сходства до степени смешения оспариваемого и противопоставленных товарных знаков.

Касательно апелляции, рассмотренной в 2002 г., на которую ссылается лицо, подавшее апелляцию, а также решений судебных органов других государств и других материалов, представленных владельцем оспариваемого знака, необходимо отметить, что они не приняты во внимание как не имеющие отношения к рассмотрению настоящей апелляции.

На основании изложенного Апелляционный совет

РЕШИЛ:

1. Отказать в удовлетворении апелляции фирмы «Spirits Product International Intellectual Property B.V.» (AW) против действия международной регистрации № 803678 комбинированного товарного знака «СТОЛЬНАЯ».
2. Оставить в силе действие международной регистрации № 803678 комбинированного товарного знака «СТОЛЬНАЯ».

«Maximum» комбинацияланган товар белгисига берилган Ўзбекистон Республикасининг № MGU 13993 рақамли гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида «Mars, Incorporated» (US) фирмаси номидан берилган апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган Апелляция кенгашининг 2007 йил 4 январдаги қарори

№ MGU 13993 рақамли гувоҳнома бўйича комбинацияланган товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлик рўйхатида кўрсатиб ўтилган ТХХКнинг 30-синфи товарларига нисбатан «NEMA» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси (UZ) номига 2005 йил 18 февралдан бошлаб устиворлик санаси билан Давлат товар белгилари реестрида 2005 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилган.

Апелляция берган шахс мазкур товар белгиси «Mars, Incorporated» (US) компанияси номига ТХХКнинг 30-синфи товарларига нисбатан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг № MGU 13537 рақамли гувоҳномаси бўйича товар белгисига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш эканлигига асосланган ҳолда комбинацияланган товар белгисига Ўзбекистон Республикасининг № MGU 13993 рақамли гувоҳномаси амал қилишига қарши эътироз билдиради.

Баҳслашилаётган товар белгисининг «Maximum» асосий сўзли элементи № MGU 13537 рақамли гувоҳнома бўйича товар белгисининг «MAX» асосий сўзли элементи билан айнан бир хил. Бундан ташқари, белгиларнинг умумий ташқи шакли, айнан шундай ранглар бирлашмаси, шрифтнинг тури мазкур белгиларни адаштириб юбориш даражасида бир хил қилиб кўрсатади ва истемолчиларни 30-синф товарларини ишлаб чиқарувчисига нисбатан адаштиради.

Баҳслашилаётган комбинацияланган товар белгисидаги «Maximum» сўзли элементи устун ҳолатни эгаллайди: у белгининг марказида жойлаштирилган ҳамда «Nema» сўзи ва «Когда хочешь быть счастливым» иборасига нисбатан каттароқ ўлчамда лотин алифбоси ҳарфлари билан бажарилган; сўнги ибора қўшимча ёрдамчи ёзув кўринишида бажарилган ва белгида устун ҳолатни эгалламайди. № MGU 13537 рақамли гувоҳнома бўйича товар белгисидаги «MAX» сўзли элементи «Mars» сўзли элементи билан биргаликда шунингдек устун ҳолатни эгаллайди.

Апелляция берган шахснинг фикрига кўра, таҳлил қилинаётган белгилар фонетика, визуал ва семантика мезонлари бўйича адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлиб ҳисобланади.

«MAX» сўзи (транслитерацияси - МАКСИМУМ) ва «Maximum» сўзини (транслитерацияси – МАКСИМУМ) қиёсий таҳлилини ўтказиш натижасида барча белгининг бир хилда жаранглаши кузатилади. Таҳлил қилинаётган белгиларда бир белгининг иккинчисига кириб кетиши мавжуд. Бундан ташқари, «Maximum» сўзи қисқартирилган ҳолда «MAX» сифатида белгиланади (Большой англо-русский словарь. I том 1987 г.).

Таҳлил қилинаётган белгилар умумий тасвирий таассурот бўйича ўхшаш. «Maximum» ва «MAX» сўзли элементлари белгининг сўзли элемент учун фон бўлиб хизмат қиладиган тасвирий қисмида лотин алифбоси ҳарфлари билан қизил рангда бажарилган. Мазкур ўхшашлик шу билан кучаядики, бунда қарама-қарши кўйилган товар белгисидаги иккинчи устун бўлган «Mars» сўзли элементи баҳслашилаётган белгининг «Maximum» сўзли элементи каби айнан шу шрифт билан – лотин алифбосининг қизил рангда, тўқ-жигарранг фонда сариқ хошияли услубий ҳарфлари билан бажарилган.

Ўхшаш шрифтдан фойдаланган ҳолда ҳарфларнинг ёзилиши ушбу тасвирларни ўхшаш қилиб кўяди, тўқ жигарранг фонда қизил рангда бир хил ранглар бирлашмасидан фойдаланиш (тасвирий образ билан боғланиш кузатилади) эса уларни адаштириб юбориш даражасида ўхшаш қилиб кўяди.

«Maximum» ва «MAX» сўзли элементлари бир хил маънога – максимум, максимал қийматлар, энг кўп миқдор мазмунига эга (Большой англо-русский словарь. I том. 1987 г.).

«Maximum» ва «Mars MAX» сўзли элементлари бир хил миқдордаги (7) ҳарфлардан ташкил топган, «Мах» ва «Mars» белгиларининг биринчи бўғини фонетик жиҳатдан 75% га мос келади. Бундан ташқари, белгиларнинг биринчи бўғини деярли бир хил шрифт билан бажарилган бўлиб, бу мазкур белгилар адаштириб юбориш даражасида ўхшаши ҳақидаги хулосани тасдиқлайди.

Апелляцияда «Mars, Incorporated» ҳам, «NEMA» қўшма корхонаси ҳам бир турдаги 30-синф товарларини (шоколадли батончаларни) ишлаб чиқариши қайд этилган ва шундай қилиб истеъмолчида ушбу товарларнинг битта ишлаб чиқарувчига тегишлилиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлиши мумкин, ва демакки, истеъмолчини 30-синфи товарларини ишлаб чиқарувчисига нисбатан янглиштирилади.

Апелляция берган шахс «NEMA» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ҳаракатларини «манфаатдор шахсининг» ҳаракатлари сифатида баҳолаши мумкин деб ҳисоблайди. «NEMA» қўшма корхонаси «Maximum» кўринишидаги сўзли элементли ўз товар белгисини рўйхатдан ўтказдириб, ўз товарини ишлаб чиқаришда товар белгисидан охириги учта ҳарфини оч шрифтда ва кичик ўлчамда бажарган ҳолда ўзгартирилган кўринишда фойдаланади. Товар белгисидан қора фонда латин алифбосининг қизил рангдаги сариқ ҳошияли услубий ҳарфлари билан фойдаланиш ушбу товар белгисини «Mars MAX» товар белгиси билан янада ўхшаш қилиб кўяди. Ушбу ҳаракатлари билан «NEMA» қўшма корхонаси истеъмолчиларни янглиштиради, шунингдек ўз маҳсулотларини сотишда бутун дунёда машҳур бўлган «Mars, Incorporated» компаниясининг эътиборли номидан фойдаланади.

Апелляция кенгашининг мажлисида апелляция берган шахс қўшимча далилларни тақдим этди, улар куйидагичадир.

№ MGU 13993 рақамли гувоҳномаси бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси 7-, 8-бандлари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилган, чунки «Maximum» сўзли белгиси (кўпгина тиллардан таржима қилинганда максимум, максимал) тўғридан-тўғри товарнинг миқдори, хусусиятини кўрсатади, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белги ҳамда фан ва техниканинг аниқ соҳаларига хос бўлган умум қабул қилинган термин бўлиб ҳисобланади.

Қора фонда бажарилган, қизил рангдаги ҳарфларнинг тилларангли хос шуъла билан уйғунликда ишлатилиши «Mars» фирмаси рассом-дизайнерларининг кўп йиллик ижодий изланишлари самараси бўлиб ҳисобланади. Ушбу оригинал ранг уйғунлиги «Mars, Incorporated» фирмаси маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг худди шундай маҳсулотларидан фарқлаш учун асосий символ бўлиб ҳисобланади. Этикетканинг сўзли қисми қандай бўлишидан қатъий назар, этикеткадаги ушбу ранг уйғунлигининг мавжудлиги истеъмолчида ушбу маҳсулот айнан «Mars» фирмасига тегишли эканлиги тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилади. Бундан ташқари, мазкур оригинал ранг уйғунлиги муаллифлик ҳуқуқи предмети бўлиб ҳисобланади ҳамда муаллифлик ҳуқуқи нормалари билан ҳам муҳофаза қилиниши керак.

Комбинацияланган белгида сўзли элемент билан биргаликда тасвирий элемент ҳам сезиларли ўринни эгаллайди. Баҳслашилаётган товар белгисидан қизил рангдаги ҳарфларнинг тилларангли хос шуъласи, товар белгиларидаги сўзли қисмларнинг бир хил жойлашуви, этикетканинг маркази симметрик жойлашганлиги, этикетканинг қора фондалиги муҳим тасвирий элементлар бўлиб ҳисобланади.

Сўнгра «Товар белгисини ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»нинг 112-бандида баён қилинган белгилар асосида тасвирий ва ҳажмий белгиларнинг ўхшашлигига ўтказилган қиёсий таҳлил тақдим этилган.

Баҳслашилаётган ва қарама-қарши қўйилган белгиларнинг ташқи шакли ўзи билан шоколадли батончаларнинг деярли бир хил бўлган чўзинчоқ тўғрибурчак шаклидаги этикеткасини ифодалайди. Ҳар иккала белгиларда сўзли таркибий қисм этикетканинг марказида, юқори ва пастки чеккаларига симметрик ҳолда жойлашган. Баҳслашилаётган этикетканинг «Maximum» сўзли қисми қарама қарши қўйилган этикеткадаги «MAX» сўзли қисми каби айнан битта маъно мазмунига эга. Ҳар иккала тасвир қора фонда тилларангли хос шуъла билан латин алифбосининг услубий ҳарфларида бажарилган. Қора фонда қизил-тилларангли оригинал ранг уйғунлиги ҳам айнан бир хил.

Юқорида баён қилинганларни инобатга олган ҳолда апелляция берган шахс Ўзбекистон Республикасининг № MGU 13993 рақамли гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди.

Апелляцияга илова сифатида:

- саноат мулкани муҳофаза қилиш масалалари бўйича мутахассис Ўзбекистон Республикасининг патент вакили О.А. Соколованинг фикри;
- харидорлар орасида ўтказилган анкета-сўровномалар тақдим этилган.

№ MGU 13993 рақамли гувоҳнома эгасининг вакили Апелляция кенгашининг мажлисидаги ўз чиқишида апелляцияда келтирилган далиллар тўқиб чиқарилган ва асоссиз деб ҳисоблашни баён қилди.

Хусусан, «Maximum» асосий сўзли элементи «МАХ» асосий сўзли элементи билан айнан бир хил» деган далил Қоидаларнинг 104-банди талабларига мос келмайди, унга кўра белги барча элементларда бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади.

«МАХ»нинг транслитерацияси «максимум» сифатида келтирилиши ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки транслитерация – бу бир алифбо ёрдамида ёзилган матнни бошқа алифбо воситаларида етказиб беришдир.

Бундан ташқари, А.А. Борзенко шуни қайд этиб ўтдики, апелляция берган шахснинг муаллифлик ҳуқуқи масалаларига тааллуқли далиллари исботлаш базасидан чиқариб ташланиши керак, чунки мазкур масалаларни кўриб чиқиш Апелляция кенгашининг ваколатлари доирасига кирмайди.

Юқорида баён қилинганлар асосида апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги илтимос баён қилинди.

Апелляция иши материалларини ўрганган ҳолда ва апелляцияни кўриб чиқишда иштирок этган шахсларни тинглаган ҳолда Апелляция кенгаши апелляция берган шахснинг келтирилган далилларини ишонarli эмас деб топади.

Талабнома берилган белгининг муҳофазага лаёқатлилигини баҳолаш учун ҳуқуқий база 30.08.2001 й. даги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва «Товар белгисини ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»ни (01.11.2002 й. да №1184 рақам билан рўйхатга олинган) (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) ичига олади.

Қонуннинг 10-моддаси 13-бандига ва Қоидаларнинг 4-банди н) кичик бандига мувофиқ илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди.

Қоидаларнинг 104-бандига мувофиқ белги барча элементларда бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади.

Агар белги бошқа белгига умуман олганда ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамадан бошқа белги билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Қоидаларнинг 113-бандига мувофиқ жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун жамлама белгилар билан ва текшириладиган жамлама белги таркибига унинг элементлари сифатида кирадиган белгилар турлари билан билан таққосланади. Бунда Қоидаларнинг 106-112-бандларида келтирилган белгилардан фойдаланилади, шунингдек айнан ўхшаш ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги эгаллаган ҳолатининг аҳамияти текширилади.

Қоидаларнинг 106-бандига мувофиқ сўзли белгилар ўхшашлиги товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) бўлиши мумкин ва Қоидаларнинг 107-109-бандларида баён қилинган аломатлар (белгилар)нинг мос тушиши асосида аниқланади.

Қоидаларнинг 110-бандига мувофиқ Қоидаларнинг 107-109-бандларида санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирликларда ҳисобга олиниши мумкин.

Қоидаларнинг 114-бандига мувофиқ товарларнинг бир хил жинслилигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган тасаввур пайдо бўлиш эҳтимоли аниқланади. Бунда товарларнинг тури, вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларни сотиш шароитлари, истеъмолчилар доираси ва бошқа аломатлар эътиборга олинади.

Баҳслашиладиган ва қарама-қарши қўйилган товар белгисининг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатди.

№ MGU 13993 рақамли гувоҳнома бўйича комбинацияланган товар белгиси ўзи билан квадрат шаклидаги этикетканинг тасвирини ифодалаган бўлиб, унинг маркасида «М» ва «Х» ҳарфлари ўзига хос тарзда ёзилган, лотин алифбосининг «М» бош ҳарфи ва кичик ҳарфлари билан тўғри чизилган шрифтида

бажарилган «Maximum» сўзли элементи жойлашган. Ундан пастроқда майдароқ шрифтда бажарилган «Maximum» сўзли элементи ва «Когда хочешь быть счастливым» сўз бирикмаси жойлашган. Этикетканинг юқори ва пастки қисмларида майда шрифт билан бажарилган матнли блоклар жойлашган. Товар белгиси қора, оқ, сариқ ва қизил рангда муҳофаза қилинади.

№ MGU 13537 рақамли гувоҳнома бўйича комбинацияланган товар белгиси ўзи билан «Mars» ва «MAX» сўзли элементлари жойлаштирилган чўзинчоқ шаклдаги тўғрибурчакни ифодалайди. «Mars» сўзли элементи лотин алифбосининг «M» бош ҳарфи ва кичик ҳарфлари билан оғма чизилган шрифтида бажарилган. Arial Black стандарт оғма шрифтида лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан бажарилган «MAX» сўзли элементи товар белгисининг ўнг қисмида жойлашган ноаниқ шаклли доғ кўринишидаги кўп рангли тасвир фонида жойлашган. Товар белгиси қизил, қора, оқ, тилларанг ва крем рангида муҳофаза қилинади.

Кўриб чиқилаётган сўзли элементларнинг фонетик жиҳатдан ўхшашлик омили бўйича қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, «Mars MAX» сўзли элементи иккита бир бўғинли сўзлардан ташкил топган, «Maximum» сўзли элементи уч бўғиндан иборат битта сўз. Таҳлил қилинаётган сўзли элементлар турли товушли ва унлилар таркиби билан характерланади. «Maximum» сўзининг «Max-» бошланғич қисми ва «MAX» сўзли элементини жаранглашининг ўхшашлиги белгиларни умуман олганда фонетик жиҳатдан ўхшаш деб топиш учун етарлича деб кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Товар белгиларининг визуал таҳлили шуни кўрсатдики, таққосланаётган белгилар турли шрифтларда бажарилган, турли миқдордаги сўзли элементларга эга ва композицион ечими бўйича ўхшаш эмас, бу эса турли тасвирий таассуротни ҳосил қилади ва таҳлил қилинаётган белгиларнинг визуал ўхшашлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Таққосланаётган белгиларнинг семантик жиҳатдан таҳлилига нисбатан қуйидагиларни қайд этиб ўтиш зарур.

Ҳамма топиши мумкин бўлган луғат-маълумотнома нашрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, инглиз тилидан таржима қилинганида:

Mars – от 1) лот миф. Марс (уруш худоси); кўчма маънода буюк жангчи; 2) астр. Марс (планета).

Max – 1) сифат, maximum максимал; 2) от, maximum сўздан қисқартир. максимум, юқори даража.

Maximum – 1) от, максимум, максимал қиймат, юқори даража; 2) сифат, максимал, энг катта, энг сўнги.

«Mars MAX» сўзли белги маънони билдирувчи сўз бирикмаси ҳосил қилмаганлиги туфайли, уни баҳслашилаётган белги билан семантик омил бўйича таққослаш мумкин эмас.

Баҳслашилаётган ва қарама-қарши қўйилаётган товар белгиларининг тасвирий элементлари ўзи билан биринчи ҳолатда квадрат шаклидаги этикеткани, бошқа ҳолатда эса чўзинчоқ шаклдаги тўғрибурчакни ва ноаниқ шаклли доғ кўринишидаги кўпрангли тасвирни ифодалайди. Қоидаларнинг 112-бандида баён қилинган белгилар асосида ўтказилган тасвирий элементларнинг таҳлили таққосланаётган белгиларнинг ўхшашлиги мавжуд эмаслиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бунда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, апелляция берган шахс томонидан тақдим этилган, Қоидаларнинг 112-бандида баён қилинган белгилар асосида ўтказилган қиёсий таҳлилни асосиз деб топиш лозим, чунки у юқорида баён қилинган тасвирий элементларнинг ўхшашлиги таҳлилини ўз ичига олмайди.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда «Mars MAX» ва «Maximum» комбинацияланган товар белгиларини ўхшаш эмас деб, мазкур белгиларнинг рўйхатида кўрсатиб ўтилган товарларнинг турдошлигига таҳлил ўтказишни мақсадга мувофиқ эмас деб топиш лозим.

Апелляция берган шахснинг товар белгиси Қонуннинг 10-моддаси 7-, 8-бандлари талаблари бузилган ҳолда рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги далилига нисбатан қуйидагиларни қайд этиб ўтиш лозим.

«Maximum» комбинацияланган товар белгисига ТХХТнинг 30-синфи товарлари: қаҳва, чой, какао, шакар, гуруч, тапиока (маниока), саго, қаҳвани ўрнини босувчи; ун ва дон маҳсулотлари, нон-булка маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, музқаймоқ; асал, шиннидан олинган сироп; ачиткилар, нон ёпиш кукунлари; туз, хантал; сирка, зираворлар; резаворлар; озик-овқат музига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза берилган.

Таҳлил шуни кўрсатдики, баҳслашилаётган товар белгиси рўйхатда кўрсатиб ўтилган товарларга нисбатан фан ва техникада қўлланиладиган шартли белги бўлиб ҳисобланмайди. У шунингдек санаб ўтилган товарларнинг миқдори ва хусусиятини кўрсатувчи белги бўлиб ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, апелляция берган шахснинг баҳслашилаётган товар белгисини рўйхатдан ўтказилиши ноқонунийлигига нисбатан келтирган далили асоссиз бўлиб ҳисобланади.

